ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-327-332

СОҚИБУЛБУЛ САВДОЙИ ЭМАС

Ибраҳим Жовлиев
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти
Ibrahim.jovliyev@inbox.ru

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Фолкьлор асарларида, хусусан, “Гўрўғли” туркум достонларида фаол иштирок этувчи образ Соқибулбул ҳақида фикр юритилади. Мақолада Соқибулбул образининг келиб чиқиши, омиллари, достонлардаги вазифаси, Соқибулбул ҳақидаги баъзи тушунчаларга аниқлик киритилади. Бундан ташқари, Соқибулбул образи мисолида чилтонлар ҳақидаги илмий фикрлар айтилади.

Калит сўзлар: Гўрўғли, бахши, соқий, булбул, пир – муршид, чилтон, абдоллар, қутб, сайис, шомон.

ABSTRACT

This article examines the image of Sakibulbul, which is found in folklore works, in particular in the series of epics "Gorogly". The article defines some concepts of origin, factors, functions in the epic of the image of Sakibulbul. In addition, in the example of Sakibulbul, scientific versions about the emergence of chiltans are put forward

Keywords: Gorogly, bakhshi, saki, bulbul (nightingale), pir - murshid, chiltan, abdals, kutb, sayis, shaman.

КИРИШ

Фолкьлор асарларида, хусусан, “Гўрўғли” туркум достонларида Соқибулбул энг асосий образ саналади. У Гўрўғлининг маслаҳатгўйи, сирдоши ҳисобланади. Шунинг учун ҳам Гўрўғли борасида олиб борилган тадқиқот борки, албатта, Соқибулбул ҳақида фикр юритади. Хўш, Соқибулбул ким эди? Соқибулбул чилтонлардан эди. Демак, Соқибулбулни билмоқ учун, аввало, чилтонни билмоқ керак.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Чилтон форсча сўз бўлиб, қирқ, қирқ нафар маъносида келади. Нечун айнан қирқ. Бунинг сабаби бор. Али (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз (сав) “Абдоллар Шомдан бўладилар. Улар қирқ кишидир. Ҳар

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-327-332

қачонки, улардан бири ўлса, Аллоҳ таоло уни бошқаси билан алмаштиради” деб марҳамат қиладилар (Имом Аҳмад “Муснад” китобидан). Ҳадисда айтилган абдоллар халқ орасида чилтон номи билан аталадилар.

Абдулқодир Жийлоний ҳазратлари ўзларининг “Футуҳул ғайб” асарларида Абдол сиддиқлардан қуйида валийлардан юқорида турадиган мақомдир, деб айтадилар. Бундан англашиладики, абдоллар – чилтонлар Аллоҳнинг хос қуллари, инсонларнинг азизлари, ғайб олами сирларини Аллоҳнинг изни билан У хоҳлаган даражада биладиган ориф инсонлардир.

Демак, Соқибулбул валоят аҳлининг улуғларидан, пирларидан бўлади. Достонларда Соқибулбул Аллоҳнинг изни, валийлар раҳнамоси Ҳизр (а.с.)нинг кўрсатмаси билан Гўрўғлига йўл бошловчи, тўғрини кўрсатувчи пири комил этиб тайинланади. Хусусан, Пулкан шоир айтган “Гўрўғлининг туғилиши” достонида бу ҳақда шундай дейилади: “Пирлар Гўрўғлининг тилакларига оқ фотиҳа бериб, от-анжомини тўғрилаб-созлаб айтдиларки, Ёвмит элиде тоғнинг пастида, пайшанба кунида бир шаҳар бино бўлади. Шунда Соқибулбул бориб бу шаҳарга от қўйиб, сени тахтга ўтқазади, “Соқибулбул сенга ҳам устод бўлади, ҳам Ғиркўк отнинг сайислигини қилади. Зинҳор Соқибулбулни айтганидан чиқма”, яна айтадиларки, “Соқибулбул нима деб от қўйса, шаҳарнинг оти шу бўлади. Соқибулбулнинг айтгани-айтган, билгани-билган, қилгани-қилган бўлади”.

Устоз Ш. Турдимов Амир Темур ва Саййид Али ота ҳақидаги ривоятни айтиб, ундаги ҳодисаларни Гўрўғли ва Соқибулбул ўртасидаги воқеликка қиёс этадилар. Ривоятда шундай дейилади:

Мен йигирма беш ёшга тўлганимда саёҳат қилмоқчи бўлдим. Лекин аввал шайх Зайниддин Абу Бакр Таёбодийдан дуойи фотиҳа олмоқчи бўлдим. Шайх саёҳатимга дуойи фотиҳа бериб, белимга камар боғлаб, бошимга кулоҳ кийгизди ва менга бир чиғаноқ узук тортиқ қилди, кўзига “рости-русти” сўзлари ёзилган эдики, унинг маъноси ҳаққонийлик, одиллик ҳар қандай балодан халос қилади, демакдир. Шайх менга муваффақиятлар ва саёҳатимга омад тилади. Ва мен ҳақимдаги, дилимдаги мана бу самимий сўзларни айтди:

– Дунёда бир одам бор, у сени ҳамма ишларингда қўллайди, мени пайғамбарнинг ноиби деб атайди. Алҳол, сен уни кўра олишинг мумкин эмас, Лекин шундай пайт келадики, унинг ўзи сенга бахтга тўла назар билан қарайди”… Амир Темур давом этиб ёзади: “Мен 805-йили, етмиш ёшимда Румнинг пойтахтини забт этганимдан сўнг шайх қутбул орифин Садриддин Ардабилийнинг ҳузурига бордим. Мен покиза ҳаёти маълум бўлган бирор

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-327-332

авлиёга хизмат қилишни истардим ва шайхдан шундай хизмат қилиши мумкин бўлган кишини кўрсатишни сўрадим. Шайх менга Шаҳлон тоғига боришимни маслаҳат берди, у ерда қоядан чиқаётган бир булоқни топишим керак эди; булоқдан галма-галдан бир совуқ, бир иссиқ сув чиқиб турар экан. Мен у ерда сабр қилиб Қутбни кутиб туришим, сўнг унга хизмат қилишим керак эди. У булоқ ёнига келиб таҳорат қилиб, намоз ўқиркан, “Амир Темур айтилган жойдан булоқни топиб, Қутбни кутиб туради. “Тонг саҳар, – давом этади соҳибқирон, – булоқ бошига бир одам келиб таҳорат қилди-да, намоз ўқий бошлади. Мен бу одамнинг ёнига бордим, кейин бетига қарасам, – Во ажабо, бу ўзимнинг мирохўрим экан. Бу одам уч кун давомида булоқ бошига келиб, таҳорат қилиб намоз ўқиди. Учинчи куни мени қийнаётган шубҳадан қутилиш учун мен у билан сўйлашишга журъат этдим. Ва айтдим:

– Саййид Али ота, мен сени хизматкорларим орасида энг ношуди деб билардим, мана энди, сенинг мартабанг шунчалик абланд эканини кўрдим. Энди саволим бор, айт-чи, қандай қилиб бундай олий ва шарафли мартабага эришдинг?

У бундай жавоб берди:

– Сенинг салтанатинг бошланишида “Қутбул ақтаб” сенга ёрдам беришимни менга буюрди. Мен унинг буйруғини адо этдим.

Сўнг иккимиз таҳорат қилдик, кейин Саййид Али ота имом бўлди, мен унинг орқароғида турдим ва иккимиз намоз ўқидик. Бу намоз менга ниҳоятда буюк бир сурур бағишлади. Намоздан сўнг Қутб менга деди:

– Сен Аллоҳнинг меҳмонисан, шунинг учун меҳмондўстлик юзасидан парвардигор барча айтганларингни бажо келтиради.

Мен ундан имонимни тасдиқлашни сўрадим. Қутб жавоб берди:

– Имом расулуллоҳга тегишли дедилар”

Шундан сўнг Қутб вафот этади. Амир Темур ғамнок бўлиб, шайх Садриддин ҳузурига қайтиб, бўлган воқеани айтади, Шайх Темурга шундай дейди: “Ҳокимият фақат Аллоҳнинг ердаги ноиби Қутбга тегишлидир, У “Қутб ул-ақтоб”нинг буйруғи билан буюк амирни қўллаб туради. Қутб ўлгандан сўнг эса ҳокимият унинг қўлига ўтади. Қайсарнинг салтанатини Худонинг шундай бир бандаси қўллаб турарди, у ғойиб бўлди. Энди Қайсарнинг салтанати сенга ўтди”.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Ушбу парчадан уч хулоса чиқариш мумкин

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-327-332

Биринчидан, Соқибулбул Саййид Али ота каби комил муршид. У Гўрўғлибекка ҳамиша тўғри йўлни кўрсатиб туради.

Иккинчидан, модомики, Қайсарни дуо қилиб турган эран – абдол ғойиб бўлиб, эндиликда бошқа бир эран Темур Кўрагон ёнида пайдо бўлиши ва музаффарият ҳамиша Соҳибқирон билан бирга бўлишидан англашиладики, Аллоҳ Амир Темурга ғолибликни беради. Бунда асл ғалаба Саййид Али отаники. Шундай экан, Соқибулбулнинг ҳурматидан Аллоҳ ҳамиша Гўрўғлига зафар қозонишни тақдир этади.

Учинчидан, ҳомий дуогўй – Аллоҳнинг хос қуллари ҳеч қачон золимга, адолатсиз ҳукмдорга ёрлик қилмайди. Балки, Аллоҳнинг мазлум қулларини ёруғликка чиқарадиган, Ҳақ таолонинг изни билан мусулмон умматини оёққа турғизадиган ҳукмдорга хизмат қиладилар, ёнларида бўлиб дуо қиладилар. Демак, Гўрўғли халқнинг зулмадан қутилиши учун Аллоҳ томонидан юборилган подшо ва айни жиҳатдангина Соқибулбул унга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Соқибулбул борасида Фолкьлор олимлари яна уч хил жиҳатга эътибор беришади. Булар Соқибулбулнинг соқий, бахши ва синчи сайис эканлиги. Булардан олдинги икки жиҳат Соқибулбул исмида мужассам. Соқи – соқий демакдир. Соқий шароб, май қуювчи, косагул маъноларини англатади. Тасаввуф адабиётида соқий мурид – шогирднинг қалбига Аллоҳ ишқини солувчи, Ҳақдан хабар берувчи ориф зотни англатади. Май шогирд қалбига қуйиладиган илоҳий муҳаббатдир. Хўш, булбул-чи? Булбул икки маънода қўлланади. 1. Гул – ёр – Аллоҳ ишқида куйиб нола қилувчи ошиқ. 2.Ишқда ёниб гўзал сўзларни сўзлагувчи, куйчи шоир. Достонларда иккинчи маъно сақланиб қолган. Шунинг учун ҳам Соқибулбулни бахши дейдилар. Бунда бахши шоирни англатади. Демак, Соқибулбул – илоҳий ишқ йўлини босиб ўтган маърифатли устоз, Ҳақдан сўзлагувчи шоир деганидир.

Айтиш керакки, Соқибулбул на шомон, на достончи бахши. Агар достонда бу жиҳатлар ёки шомонликка хос хатти-ҳаракатлар қўшиб айтилган бўлса, бу эътиқодида турлича қадимий одатлар сақланиб қолган бахши ва халқ ҳаётидан қўшилган бегона эътиқоддир. Чунки асл Чилтон – абдол Аллоҳ динидан бошқасини ўзига қабул қилмайди. Шунинг учун Соқибулбул образида унга ёпиштирилган ёт хусусиятлар бахшинг билим тарозисида тортилган инончлардан бошқа нарса эмас.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-327-332

“Гўрўғли” туркум достонларининг баъзиларида Соқибулбул йўл кўрсатувчи ориф устоз сифатида сақланиб қолган бўлса, баъзиларида эса шунчаки Гўрўғлининг оддий ходими сифатида иштирок этади. Шунда Соқибулбул устоз мақомида юрган достонлар нисбатан эски анъанага соҳиб, диний таълими юксак бахшилар ижоди саналса, Соқибулбулнинг жуда жўн хизматчи бўлиб келиши нисбатан замонавий ёки динга қарши тузум тақозоси уларок майдонга келган бўлиши мумкин. Хусусан, “Холдорхон” достонида Гўрўғли жахли чиққанда Соқибулбулнинг орқасига тепади. Бу каби ҳолатлар асл Гўрўғли шахсиятига ёт унсурлар бўлиб, бахшилар томонидан уйдирилган, холос. Модомики, Гўрўғлининг ўзи ҳам эранлардан экан, эранлик одоби буни қабул қилмайди. Бундан ташқари Соқибулбулнинг ичимлик – арақ ичиши, Гўрўғли ва йигитларга маст қилувчи ичимликни қуйиб соқийлик қилиши ҳам бахшилар томонидан тўқилган. Зотан, абдоллар бундай ишлардан жуда юксакдаги инсонлардир.

Соқибулбулнинг бахшилар томонидан айтилган учинчи жиҳат унинг сайислиги. Бу борада бир қанча олимлар ўз фаразларини билдирган бўлсалар-да, ҳали очилмаган жиҳатлар мавжуд. Бизнингча, бу масалада отларнинг уч олам ўртасида ҳаракатланувчи яратиқ эканлигидан келиб чиқиб ёндашилса, илмий ечимга эришилади.

REFERENCES

1. Go‘ro‘g‘li. O‘zbek xalq dostonlari. “SHARQ” nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosh tahririyati. 2006. Toshkent, B. – 3. *Gorogly. Uzbek folk epics. T. With a foreword T. Mirzaev, Main editorial office of the joint-stock company “SHARQ”. 2006. Tashkent, p. 3.; Гороглы. Узбекские народные эпосы. Т. С предисловием Т. Мирзаева, Главная редакция акционерной компании “SHARQ”. 2006. Ташкент, стр – 3.*

2. Раззоқов Ҳ. ва бошқ., Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Тошкент, 1980. “ЎҚИТУВЧИ” нашриёти, Б. – 229 -230. Раззаков и др. Узбекская народная устная поэтическая литература, Ташкент, 1980. Издательство “ЎҚИТУВЧИ”, Б. – 229 -230. Razzakov and others. Uzbek folk oral poetry literature, Tashkent, 1980. Publishing house "O‘ITUVCHI", P. - 229-230.

3. Холдорхон. Айтувчи: Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ёзиб олувчи: Ҳоди Зариф ва Эргаш Жуманбулбул ўғли, Т., Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва саньат нашриёти, Б. – 55. Khaldarkhan. Narrator: Ergash Jumanbulbul oglu, Written by: Hody Zarif and Ergash Jumanbulbul oglu, T., Publishing house of literature and art

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-327-332

named after Gafur Gulyam, P. – 55. Халдархан. Рассказчик: Эргаш Джуманбулбул оглы, Написавший: Ходи Зариф и Эргаш Джуманбулбул оглы, Т., Издательство литературы и исскуства им Гафура Гуляма, Стр. – 55. Турдимов Ш., Ҳикмат хазинаси, Тошкент, “O’ZBEKISTON” , 2016, Б. – 154.
4. Турдимов Ш., Ҳикмат хазинаси, Тошкент, “O’ZBEKISTON” , 2016, Б. – 154. Turdimov Sh., Treasure of knowledge, Tashkent, “O'ZBEKISTON”, 2016, B. - 154.Турдимов Ш., Кладез знаний, Ташкент, “O’ZBEKISTON” , 2016, Стр. – 154.
5. Abdulkadir Geylani Fütuhu’l gayb (Gizleden sesler)